O`ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 48 (510)

2006-yil 6-dekabr

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Сана

ЯҚИН тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, Собиқ Шўролар давлати амал қилиб турган бир пайтда 1990 йил 24 мартда Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилди, Ўзбекистон Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда "Мустақиллик тўғрисида Декларация"ни қабул қилди. Ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш учун бошланган бу ҳаракат натижаси ўлароқ, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Президентимиз томонидан Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Ва шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси ва Давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотга асосланиб Республика Олий Кенгаши "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Конституциявий қонунни қабул қилди.

Фуқаролик жамияти пойдевори

Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Юқорида қайд этилган жараёнлар ва қабул қилинган Конституциявий қонун кейинги босқичда, аниқроғи 1992 йил 8 декабрда инсон ҳуқуқлари, эркинлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини, миллий ва умуминсоний қадриятларни, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини ифодалайдиган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг истиқболли йўлларини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик Қомуси деб ном олган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси унгача бўлган даврда амал қилган конституциялардан тубдан фарқ қилган ҳолда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат манфаатларидан устун қилиб белгилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни кўзлаб амалга оширилаётган туб ислоҳотларни чуқурлаштириш изчил давом этмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни демократик институтлар ва улар фаолиятини кафолатловчи қонунларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг тараққий этишида фуқаролик жамияти учун умумий бўлган ва ҳар бир давлатнинг ўзига хос бўлган демократик институтлар шаклланиб, ривожланиб боради.

Жумладан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этувчи демократик институтлар тизимини миллий парламентимиз — Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, жамоат бирлашмалари, нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, референдум, сайловлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кабилар ташкил этади.

Биз қуйида мазкур демократик институтлардан айримларининг шаклланиши ва фаолиятининг асослари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Истиқлол йилларида фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг зарур ҳуқуқий асослари ва тизими яратилди. Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги беш мингдан зиёд жамоат бирлашмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Жамоат бирлашмалари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда, демократик қадриятларни қарор топтиришда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда жамоат ташкилотларига оид қонунчилик муайян тизимни ташкил этади. 1991 йил 15 февралда "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-, 62- моддаларидан иборат XIII боби айнан жамоат бирлашмаларига бағишланди. Конституциянинг 56-моддасида: "Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, Хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади", деб белгиланади. Шундан сўнг 1992 йилдан то 2004 йилгача бўлган давр мобайнида бу соҳада жамоат ташкилотларининг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларига тааллуқли 10 га яқин махсус қонунлар қабул қилинди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг сиёсий ва ҳуқуқий кафолотлари Конституциямиз ва қонунларимизда ўз ифодасини топди. Натижада жамиятда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш учун имконият яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар, сайловларга оид қонунлар ва бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шароитларни яратди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сиёсий партияларга шундай таъриф берилган: "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар".

1996 йил 26 декабрдаги "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам айнан Конституцияга мувофиқ қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳар қандай сиёсий партия учун молиялаштириш масаласи ниҳоятда муҳим масала саналади. Етарли маблағсиз ҳеч бир сиёсий партия самарали фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун сўнгги йилларда кўпгина мамлакатларда сиёсий партияларни молиялаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинган.

Жумладан, 2004 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мужассам топган, сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тартибига доир барча асосий принциплар белгиланган. Қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги молиялаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари конституциявий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари, ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади», дейилган. Шунга асосан, 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Кейинчалик бу қонун янада такомиллаштирилиб, 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди. Хусусан, унинг 1-моддасида: "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлар билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятдир", дейилган.

Шунингдек, қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ишларига аралашмасликлари мустаҳкамланган.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий демократик институт сифатида мамлакатимизда ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари мавжуд бўлса, улар фаолиятида юз мингдан зиёд фаоллар иштирок этиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғоялари, мақсадлари, руҳи, ҳар бир қоидаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, асрлар мобайнида шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона ва шарқона давлатни идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш анъаналарини ўзида тўла мужассамлаштирган.

БУГУН мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этаётган демократик институтларнинг давлатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида эркин ва самарали фаолият юритишлари учун барча конституциявий-ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш жараёнлари ривожланиб боргани сари конституциявий-ҳуқуқий нормалар ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда.

танловига марҳамат!

Азиз ижодкор дугоналар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги "Журналист аёллар клуби" журналист хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш ва интеллектуал савиясини юксалтириш мақсадида Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартга бағишлаб журналист аёллар ўртасида ***"Атиргул-2006"*** *танловини эълон қилади.*

Танловга 2006 йилнинг 15 февралидан 2007 йилнинг 15 февралигача бўлган вақт мобайнида матбуот саҳифаларида босилиб чиққан, радио тўлқинлари орқали эфирга узатилган ҳамда телеэкранларда кўрсатилган материллар (5-10 та) 2007 йилнинг 1 мартигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материалларга муаллифнинг исм-шарифи, профессионал фаолияти, телефони, манзили ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.

Танлов ғолибларига мукофотлар Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга марҳамат! Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар "Атиргул-2006" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши керак:

Тошкент-129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават 30-, 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Тел: 144-64-62; 144-37-87, **факс:** 144-69-65

Электрон почта: ijod@sarkor.uz,
Веб-сайт: www.journalist.uz

Тадбир

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Республика тил маркази ва Британия Кенгаши ҳамкорлигида Британия ахборот ресурслари марказининг очилиши маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Республика тил ўқитиш маркази директори Аббос Ирискулов очиб берди.

Янги ахборот ресурслари маркази

Равшанбек ТОШМУҲАММЕДОВ

Тадбирда ЎзДЖТУ ректори Ғайрат Шоумаров, Олий таълим вазирлиги илмий педагогик кадрлар билан ишлаш бўлим бошлиғи Қодиржон Рўзиев, инглиз тили ўқитувчилари ва бир қатор хорижий меҳмонлар иштирок этдилар. Марказ очилишидан мақсад инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда янги илмий педагогик методларни ўзлаштиришдир.

Қайд этиб ўтиш жоизки, бундай марказ Республикада биринчи бор очиляпти. 15 январдан бошлаб марказда ўрта махсус ва олий таълим ўқув муассаларидан келган 20 нафар инглиз тили ўқитувчилари ўз малакаларини бир ой давомида оширишлари режалаштирилган.

ММ Мда

"Аёл қадри — ватан қадри"

МУХБИРИМИЗ

Аввал икки оғиз Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошида фаолият кўрсатаётган "Журналист аёллар клуби" хусусида. Тан олиш керак, клуб, айниқса, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган журналист аёлларнинг бошини қовуштира олди. Нафақат 8 мартда, балки қайсидир ижодкор аёл яхши китоб чиқарган бўлса ёки қайсидир журналист аёлнинг 50-60 ёки 70 га кирган борки, клубнинг назаридан четда қолмаяпти. Яна яхши ҳолат шундаки, клубнинг фаолияти фақат пойтахтлик аёллар билангина чекланиб қолаётгани йўқ; унинг қамрови аста-секинлик билан бўлса-да кенгайиб бормоқда.

Клубнинг бу галги Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган тадбири "Аёл қадри — Ватан қадри" деб номланди. Тадбирда пойтахтимиздаги ОАВларида фаолият кўрсатаётган ва нафақада бўлса ҳам қалами қўлидан тушмаган журналист аёллар иштирок этишди.Тадбирни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов очди.

— Бугунги тадбир бежиз "Аёл қадри — Ватан қадри" деб номланмаган, — деди **Шерзод Ғуломов.** *— Ва унинг Конституциямизнинг 14 йиллиги арафасида ўтказилаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси, "Миллий тикланиш" партияси раиси, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад куни кеча Олий Мажлис Сенатида "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонун маъқуллангани билан йиғилган журналист ва ижодкор аёлларни қутлади.

Маърузачилар мамлакатимиз Конституциясида ифода этилган аёл ҳуқуқи, оила ва ижод эркинлиги кафолатлари борасида тўхталдилар.

Клуб раиси Мўхтабар Каримова Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сухандони Галина Мельникова 70 ёшга, таниқли ижодкор аёллар — Ҳафиза Ҳайитметова, Бахшанда Болтаева (Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги "Аторуд" газетаси бош муҳаррири), Муқаддас Абдусаматова, Назира Жўраева ва Моҳина Ашурова эса 60 ёшларини қаршилаётганларини айтганида зални гулдурос қарсаклар босиб кетди. Ҳамкасблари тилга олинган ижодкор аёлларнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўллари хусусидаги ўйлаганлари, кўрган-кечирганларини гапириб бердилар. Ва уларга анвойи гуллар, совғалар туҳфа қилинди.

Тадбирга Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва «Алоказай трейдинг» қўшма корхонаси ҳомийлик қилди.

Баҳромжон КАЛОНОВ чизган

Доимий ҳамроҳингиз

"Ўзбекистон матбуоти" —

Сизнинг журналингиз!

Ахборот дунёси, матбуот олами бугунги кунда шу қадар шиддатли ўзгаришларга бойки, билимимизни мустаҳкамлаш, орттирган тажрибамизни бойитиш, касбий маҳоратимизни ошириш талаб этилади. **"Ўзбекистон матбуоти"** журнали бу йўлда Сизга маънавий ҳамроҳ бўла олади, деб умид қиламиз.

Нашр индекси — 883 **Таҳририят**

Мулоҳаза

Ижод ғунчаси

ёки амалиёт амалдами?

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

"Амалиёт" сўзининг луғавий маъноси "амалда қўлламоқ", "тажрибадан синаб кўрмоқ" демакдир. Бу сўз бизнинг лафзимизда ҳам такрорланади.

Негаки, бўлғуси журналистлар эгаллаган назарий билимларини амалиёт вақтида ишга солиб, уни янада бойитади, ҳатто назарияда ўрганмаган нарсага амалиёт чоғида дуч келади. Амалиёт ва назария барча касбларда бирдек муҳим аҳамиятга эга ва уларни содда қилиб ака-ука десак ҳам бўлади. Айниқса, бусиз тиббиётнинг келажагини тасаввур қилиш қийин. Қуруқ назария билан чекланган шифокордан эртага нима кутиш мумкин? У беморнинг дардига малҳам бўлиш ўрнига, аксинча тепасида туриб "гўдакка алла айтгандек" анотомия китобини ўқиб, одам аъзоларини шарҳлаб бермайди-ку, тўғрими? Худди шунингдек, журналистика соҳасида ҳам назария ва амалиёт бир-бири билан узвий боғлиқликда иш кўради.

Ўқув режасидаги амалиёт журналистикада қай даражада муҳим, у мустақил ва мураккаб жараён сифатида айнан талаба-журналистлар фаолиятида қандай кечяпти?

Давоми 2-бетда.

Ушбу сонда:

2 «Қиёфа»лар жанги



Арасту айтганидек, кимнинг ҳурпайган сочлари бўлса, у қўрқинчлидир. Қадимги Грециядаги физионом олим Зопир катта қулоқлар ажойиб ақлдан дарак беради деб ҳисобларди. Тарихчи Ф. Галль бош суякни миянинг кийими деб атаган.

3 Осиё кўчасида... байрам



— Олимларнинг "Янги минг йиллик Осиё даври бўлади" деган тахминлари тасодифий эмас. Ғарбнинг етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесадиган сиёсатдонлари бундай қатъий ва кескин хулосага келиш учун ўз қарашларини неча-неча чиғириқлардан ўтказганлари аниқ.

4 «Адабиётни яхлитликда тасаввур қиламан»

— Агар биз бир вақтлар дунё адабиётидан, Европа адабиётидан бадиий-услубий шаклларни олган бўлсак, ҳозир улар яна Шарққа қайтяпти. Ўйлайманки, ўзбек адабиёти ҳам ўзининг азалий манбаларига, бой классикасига, мумтоз адабиётига қайтади.

HURRIYATга

2007 йил учун обуна давом этмоқда

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Ижод ғунчаси

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Журналистика йўналишидаги талабларига биринчи курслигиданоқ амалиётга йўлланма берилади. Айрим зукко, интилувчан талабалар ёзги амалиёт бошланишини кутиб ўтирмасдан газеталарга ўзлари мустақил қатнашиб, ижодга барвақт шўнғийди. Бироқ, сир эмас, баъзи талабалар ҳатто амалиёт нима эканлигини билишмайди.

Ҳозир 1-2 курс талабалари орасида "Мен амалиётимни телевидениега оламан", деган гаплар оммавийлашиб кетган. Гўё телевидениеда амалиётни "қойилмақом" қилиб ўташ уларга шуҳрат келтираётгандек. Тўғри, журналист чегараланиб қолиши керак эмас. Талабалар наздида телевидение соҳасида иш ўрганиш ижодий баркамолликка замин яратади. Аммо ижод зинапояларидан энди одимлаётган ёш журналистнинг ҳар соҳада ёза оладиган ўткир қалами бўлмаса, ҳатто кичик хабар ёзиш қўлидан келмаса, унинг телевидениедаги фаолияти ҳам узоқ давом этмайди.

Табиийки, айрим журналистлар газета учун ёза олмасалар-да, лекин равон, гапга чечан бўлади, бундай шахслар, ўз-ўзидан маълум, бошловчилик қилиш билан чекланиб қолади. Уларда мулоҳаза, баён қилиш, мушоҳада, таҳлил, муаммога чуқур ёндашиш ва муносабат билдириш каби хусусиятлар сустлашиб кетади. Ҳолбуки, журналист амал қилиши ва ўрганиши керак бўлган бу каби муҳим жиҳатлар амалиётда шаклланиб боради.

Тан олиш керакки, кейинги вақтларда журналистика соҳасида устоз-шогирд тушунчаси, бу икки шахснинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши йўқолиб боряпти. "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деганларидек, талабага ижод гулшанининг илк ғунчаси очилаётганда йўналиш ва сабоқ берилмаса, унинг камчиликлари вақтида айтилиб, тўғриланмаса, у мукаммал ёза олмайди, репортажга мақоланинг, янгиликка хабарнинг унсурларини қўшиб юбориб, ҳар томонга "ўглаб" кетади.

Биз бекорга амалиётга чуқур тўхталиб ўтмадик. Кўпчилик талабаларда мақола ёзиб, нашриётга ташлаб келиш урф бўлган. Агар мухбирнинг ёнида туриб, ҳеч бўлмаганда ўзининг мақоласини таҳрир қилса, йўл қўйган камчиликлари устида ишласа, мақола газета юзини кўргач, "Бу нега "тишланган олмадек" кичрайиб кетди экан", деб ҳайрон бўлмасмиди?

Бу борада айбни фақат ёш амалиётчиларга қўйиш ноўрин. Чунки айрим газета ходимлари талабалар билан жон дилдан ишламайди, уларга ҳар келганда мавзу бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб турмайди. Фақат талабанинг мақоласини олиб қолиш билан чегараланади.

Телевидениеда ҳам шу ҳолат кузатилади. Зўр иштиёқ билан келган талаба ичкарига киролмай қайтиб кетади. Мабодо кирган тақдирда ҳам, ёзиш, равон гапириш ва сўзамоллик қобилиятига эга бўлмаса, ўзи мустақил фаолият юритолмайди, фақат иш жараёнининг кузатувчисига айланиб қолади.

Амалиёт топшириқларига амал қилмайдиган баъзи талабалардан нотўғри қараш шаклланган: "Амалиёт топшириш учун номига бешта мақола чиқарсам бўлди-да, ўқитувчи уларнинг мавзу-моҳиятини ҳижжалаб ўқиб ўтирибдими", деб ўз устида ишламайди, мустақил ижод қилмасдан, интернетдан бирор хабар ёки қизиқарли маълумот олиб, таржима қилиш билан чекланиб қолади. Тўғри, айни вақтда интернет журналистиканинг юраги бўлиб қолди, бироқ жамиятдаги мавжуд муаммони ҳал қилиш учун мақола ёзмоқчи бўлган журналистга интернет кўмак беролмайди-ку. Интернет ёрдамида ижод қилиш кўпроқ таржимонлик қобилиятини шакллантиради. Умуман олганда, бу ҳам ёмон эмас-у, лекин журналист қанча кўп ва хўб ёзса, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун курашса, соҳамиз шунча тез ривожланади, жаҳон журналистикасига ўрнак бўларли даражада такомиллашади.

Сир эмас, айрим талабалар амалиёт мобайнида лоақал бир маротаба таҳририятга бормайди, ҳатто уларнинг кўпчилиги республикамизда нашр этилаётган газета ва журналларни олиб ўқиш у ёқда турсин, номларини ҳам тўлиқ билмайди.

Йўлланма қоғозини эса ўрганиб қолган жонли қуроли — танкаси (таниши) орқали тўлдиртириб олади, мақолани курсдоши ёхуд ишонган одами буюртма асосида ёзиб беради. Энг ачинарлиси, ҳозир бу каби талабалар кўзбўямачилик йўлига ўтган, бирор мақоланинг остидаги муаллифни устига ўзининг исм-фамилиясини ёпиштириб "ксерокопия" қилиб олади-да, амалиётини "қойиллатиб" ўтаган киши бўлиб, қўлбола (сохта) мақолаларни топширади. Ҳайрон қоласан киши, ҳозирдан нопоклик йўлини танлаган талаба эртага гувоҳномали юлғичга айланмайди, деб ким кафолат беради?

Муҳокама

14 йиллик тажрибадан хулоса қилинганда мамлакат Бош Қомуси ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажарибгина қолмай, балки дунё ҳамжамиятида тобора ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон деб аталмиш янги мустақил республиканинг том маънодаги ҳуқуқий пойдевори сифатида ўзини намоён қилди.

Мухолифат: уни қандай тушуниш керак?

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси

Конституциянинг мамлакат тараққиёти, жамият ривожи ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ролини ошириш учун, у ҳақида жозибадор сўзлар айтиш эмас, балки унинг нормалари ва асосий тартиб-тамойилларига бутун фуқароларимиз, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан қатъий риоя қилингандагина ҳамда қонунларни конституция асосида қабул қилиш орқали эришиш мумкинлигини барчамиз яхши англаб олдик.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуни ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳалари, Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилганини ҳам, айнан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида белгиланган нормаларга мувофиқ равишда амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Мазкур қонун лойиҳаларининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим аҳамиятга моликлиги, шунингдек сиёсий партияларнинг давлат қурилиши ва бошқарувидаги ролини кучайтиришдаги алоҳида ўрнини эътиборга олиб, шу йилнинг 9 ноябрь куни "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

Ўтган йиллар давомида мамлакат Олий вакиллик органи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва жамиятимизнинг турли соҳаларида олиб борилаётган босқичма-босқич ислоҳотларга хизмат қилаётган қонунларни ўз ўрни ва аҳамияти бор. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Бугун биз ишонч билан айтишимиз мумкин. Парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунлар хоҳ у иқтисодий соҳада бўладими, хоҳ ижтимоий-сиёсий соҳадами ўз салмоғини бермоқда. Бироқ юқорида номлари қайд қилинган ва бугунги суҳбатимизнинг бош мавзуси бўлган ҳар икки қонун лойиҳалари қонун ижодкорлигининг барча тартиб-тамойилларидан ўтиб қабул қилинганидан сўнг, ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб олган ҳамда фуқароларнинг эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг янги босқичида нафақат сиёсий партияларга, балки бу ишда фуқароларнинг ҳам бевосита иштирокини таъминлашга ишончли ҳуқуқий замин яратилади десак тўғри бўлади. Чунки сиёсий партия, бу — биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир.

Умуман олганда, давлат ва жамият бошқарувида сиёсий партияларнинг иштироки ҳақида гапирилганда, мамлакат раҳбари томонидан "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" деган тамойилда, мамлакатни модернизация қилишнинг ўзимизга хос бўлган услубда узоқни кўзлаб олиб борилаётган қатъий сиёсатини асл мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш ва шу билан бирга, 2005 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" номли дастуруламал маърузаларидан келиб чиқиб муносабат билдирсак, юқоридаги фикримизга янада ойдинлик киритган бўламиз. Ушбу маърузанинг асл мазмун-моҳияти ва мақсади, биз муҳокама қилаётган Конституциянинг айрим моддаларига тузатишлар киритишни назарда тутган қонунга бўлган зарурат, унинг мамлакатимиз келажагини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, яна ҳам аниқроғи, сиёсий партияларнинг ундаги иштирокини таъминлашда зарур бўлган ҳуқуқий асосларни яратиш ва ишлаб чиқишга қаратилган эди. Кўриб турганингиздек, бу масалани кун тартибига чиқиши тасодифий эмас, балки пухта ўйланган ва узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичидир.

Таъбир жоиз бўлса, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошиши барча даражадаги депутатларни, партия фракцияларини, пировард натижада эса, парламентнинг ҳам жамият ҳаётидаги ролини ортишига олиб келади. Чунки сиёсий партиялар ўзларининг давлат бошқарувидаги иштирокини парламентдаги ўз фракциялари орқали амалга оширса, маҳаллий кенгашларда эса бу иштирок депутатлар гуруҳлари орқали рўёбга чиқарилади. Бу тузилмалар таркибидаги депутатларнинг ҳар қандай қонуний хатти-ҳаракатларининг фаоллашуви тўғридан тўғри қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг фаолиятига ижобий таъсир этади.

Шу ерда эътиборингизни Конституциявий қонун лойиҳасининг "Қонунчилик палатасида сиёсий партияларнинг фракциялари" деб номланган 2-моддасига қаратишни истар эдик. Мазкур моддада, сиёсий партия фракцияси тушунчаси, уларни ташкил этиш тартиби, ваколатлари, мажбуриятлари ва, энг муҳими, янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланмоқда. Бу норма қонуннинг энг асосий ютуқларидан бирини ташкил этади. Қонун лойиҳасининг ушбу моддасида мухолифат тушунчаси, унинг ҳуқуқий асослари, жамият ва давлат қурилишида тутган ўрни батафсил ёритилган. Қолаверса, мухолифатни мазмун моҳиятини бизга кўп йиллардан бери тушунтиришга "ҳаракат қилаётган" айрим хорижий сиёсатчиларнинг ўзларига аниқ ва лўнда, соддароқ айтганда "беш қўлдек" тушунтириб қўйилган.

Ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партия фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши бир қарашда оддий ҳолга ўхшайди. Айрим "демократ"ларнинг мухолифатлик ҳақида жозибадор гапиришлари гўёки сиёсий партиялар ўзини ҳукуматга нисбатан мухолифат деб эълон қилиши осондек кўриниши мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Бизнингча, сиёсий партия фракциялари ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар ўзларини ҳукуматга мухолифат деб эълон қилиши бу — нафақат ҳукумат олдида, балки биринчи навбатда халқ олдида масъулиятни зиммага олиш демакдир. Қолаверса, ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмасдан ўзини мухолифат деб эълон қилмоқчи бўлган ҳар қандай сиёсий партия фракцияси ёки ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар энг аввало ҳукумат томонидан таклиф этилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастуридан ҳам мукаммалроқ бўлган ўз дастурларига эга бўлишлари ва бу дастурни амалиётга татбиқ этишнинг асосий тартиб-тамойиллари, ҳукумат асосларини кўрсатиб берувчи дастурига эга бўлишлари лозим. Кўриб турганингиздек, ҳукуматга мухолифатда бўлиш ва бу масъулиятни ўз зиммасига олиш, парламентдаги сиёсий фракцияси ёки ташаббускор гуруҳлардан сайланган депутатлардан катта тажриба, билим ва керак бўлса шижоатли бўлишни талаб этади. Чунки ҳукуматга мухолифат деб ўзини эълон қилмоқчи бўлган парламентдаги ҳар қандай сиёсий партия фракцияси биринчи навбатда ўз сайловчиларини, партия электоратининг хоҳиш-истакларини, қарашларини қонун чиқарувчи ҳокимиятда ифодалаш учун ташкил топганлигини унутмасликлари лозим. Сайловчиларнинг истаклари, фикр-мулоҳазалари улар учун биринчи галдаги вазифа бўлиши ва бутун фаолиятининг мазмунига айланиши шарт.

Демак, сиёсий партия фракциясини ёки ташаббускор гуруҳлардан сайланган депутатларни ҳукуматга мухолифатда бўлиши, энг аввало, ўз сайловчилари олдидаги масъулиятини янада теранроқ англашга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар икки қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлади.

Чимдим

Теша тегмаган иборалар

Кино ва театр санъатининг йирик намояндаларидан бири, русларнинг ардоқли актёри Борис Андреев умрининг сўнгги йилларида яқин сафдошларига «Ҳикматлар романи» деб номланган асар ёзаётгани хусусида изҳори дил қилган. Санъаткорнинг уни йўқлаб келганларга ўқиб берган иборалари ўқувчини фикрлашга ундайди. Улардан айримларини сизга ҳам раво кўрдик.

Тайёрловчи мутаржим: Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Қадимги юнонлар ўзларининг қадимги юнонлар бўлиб қолишларини мутлақо ўйлашмаган.

***

Анқайиб турган оғиз кириб кетган пашшадан ўпкаламаслиги керак.

***

Биринчи қадаҳ мастлар учун ортиқчадир.

***

Очофатларни овқатланишга таклиф қилмайдилар.

***

Узр сўрашнинг кечи бўлмайди, қўполликни эса вақтида қилиш керак.

***

Ҳамма нарса бир нарсага келиб тақалади: менга бер, унга берма.

***

Йиртқичларни тўйдириш керак, ювошларга таёқни кўрсатиш кифоя.
(Ҳайвон ўргатувчининг ён дафтаридан)

***

Худонинг назарига тушган бўлсанг — дамингни чиқарма. Шайтон сезиб қолмасин.

Ахвол

Даромадни деб хиёнатми?

Туз — оқлик. У икки заҳарли моддадан ташкил топган. Шундай бўлса-да, уни ҳар куни истеъмол қиламиз. Унинг яна бир хусусияти йод етишмаслиги касалликларини олдини олишда энг самарали воситадир. Шу сабаб йодланган ош тузи сотиб олишга ҳаракат қиламиз. Бироқ уни қандай сақлаш, ош тузлари харид қилаётган бозор ёки озиқ-овқат дўконларида қай даражада сотилаётганига эътибор қаратамизми?

Санжар РУСТАМОВ

Ушбу масалада пойтахтимизнинг Муқимий кўчасида жойлашган 10 та савдо шаҳобчасида кузатув олиб бордик. Натижада, барча дўконларда йодланган "Setora", "Solina", "Kafolat", "Экстра" ва бошқа ош тузлари савдога қўйилгани маълум бўлди. Ушбу туз қадоқларига маҳсулотнинг калий йодид изотопи билан тўйинтирилгани, ҳамда қуруқ ва қоронғу жойда сақланиши лозимлиги ёзиб қўйилган. "Дўконингизда ёрликдаги тавсияга амал қилинаяптими?" деган саволимизга деярли барча сотувчилар савдо масканининг салқин эканлигини эътироф этишди.

Кузатув жараёнида 10 та шаҳобчанинг 9 тасида товар етказиб берувчи фирмалар томонидан маҳсулотни сақлаш тартиби ҳақида огоҳлантирилмагани аниқланди. Ушбу ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида "Kafolat" ош тузини қадоқлаб чиқарувчи хусусий тадбиркор Тўхтаев билан суҳбатлашганимизда қуйидагиларни маълум қилди:

— "Kafolat" ош тузи давлат стандартлари асосида йодланган бўлиб, 12 ойгача истеъмол қилиш мумкин. Муддати ўтган маҳсулотларни қайтадан йодлаб харидорларга тарқатамиз...

Ош тузларининг белгиланган шароитда сақланиши борасидаги огоҳлантиришга эса "клиент"ларнинг кўплигию бу ҳақда қадоққа битиб қўйилганлигини айта олишди, холос.

Республика Эндокринология илмий-текшириш институти катта илмий ходими Раҳим Исмоиловнинг маълумот беришича, ош тузи таркибидаги калий йодат 12 ой, калий йодид эса 3 ой фойдали меъёрда бўлади. Бунинг учун қуруқ, салқин ва қоронғи жойларда камида 15 см баландликдаги махсус тагдонлар устида асралиш лозим. Акс ҳолда муддатидан анча олдин яроқсиз (сифатсиз) ҳолатга келиб қолади.

Биз битта кўчадаги 10 тагина дўконда истеъмол тузларининг сотилиши билан танишдик. Маҳсулотни харидорлар қўлига етиб бормасданоқ меъёрий сифатининг бузилиши истеъмолчи ҳақига хиёнат эмасми? Буни республика миқёсида ўрганадиган бўлсак, муаммонинг нақадар кўламли эканини англаш қийин иш эмас.

Сўрагандингиз

Ҳурматли "Hurriyat" газетаси ижодий жамоаси. Мен "Hurriyat"нинг доимий мухлисиман. Газетанинг ҳар сонини домлаларимиз ҳамда курсдошларимиз билан қизғин муҳокама қилиб борамиз. Бизга, айниқса, газета саҳифаларида ижтимоий ҳаётдаги долзарб муаммоларнинг таҳлилий талқинда берилиши катта қизиқиш уйғотади. Маълумотларга қараганда, фан-техника тараққиёти маҳсули ўлароқ дунё миқёсидаги соҳаларнинг сони 500 дан ошибди. Бу эса янги-янги фан соҳаларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Мана шундай фан соҳаларидан бири "Имижология" (қиёфашунослик) соҳасидир.

Ҳурматли таҳририят жамоаси, бизни қизиқтирган ушбу соҳа ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз?

Жасур САЛОМОВ,
СамДУ талабаси

«Қиёфа»лар ёхуд имижни

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Сўнгги йилларда илмий дунёқарашнинг кишилар ички ва ташқи қиёфалари орқали бир-бирларига таъсир кўрсатиш механизмини эгаллашда ёрдам берадиган янги соҳаси – имижология (қиёфашунослик) вужудга келди. Имиж сўзи инглизчада инсон қиёфаси, образи маъносини англатади. Ҳаммага ҳам табиат томонидан чиройли, ўзига мафтун этадиган қиёфа инъом этилмаган, лекин кўплаб кишилар бундай симпатияни, мафтункор қиёфани ўзларининг саньаткорлиги билан қўлга киритадилар. Бундай қобилият янги шароитларга осонгина мослашиш, нотаниш кишилар доирасида ўзига бўлган ишончни сақлай билиш, бошқа кишилар фикри ва тортишувларига бағрикенглик билан муносабатда бўлиш, ёрдамга ва иштирок этишга муҳтож кишилар билан сирт-дан ёриб кириладиган мулоқотларни уддалаш каби хислатларда намоён бўлади.

Инсонларнинг қиёфаси дунёни бошқаради

Сиёсий муҳит партияни эмас, балки сиёсий етакчиларни яратади. Идеал "қиёфа"да сиёсатчининг ташқи кўриниши биринчи бўринга чиқади. Европалик жамиятшунослар жамоатчилик фикрини ўрганиш асносида қизиқ бир ҳолатни аниқлашди: сайловчи биринчи навбатда номзоднинг ташқи кўринишига, иккинчи ўринда ишини бажара олиш қобилиятига, учинчи ўринда эса сиёсий мавқеига эътибор қаратар экан. Номзоднинг қайси партиядан эканлиги эса тўртинчи даражали ҳисобланар экан (сайловчилар учун). Сиёсий ПР мутахассиси Ж. Нейполитен шундай деган эди: "Номзоднинг сиёсий нуқтаи назаридан кўра, унинг ўзидан қолдирадиган таассуроти муҳимроқдир". Америка Президенти Р.Никсоннинг сайловолди кампанияси тугаганидан сўнг мутахассислар шундай хулосага келишди: "Сайловчининг номзод билан тўғридан тўғри танишишга имкони йўқ. Шунинг учун улар номзоднинг телевизион имижига эътибор бериши муҳимроқдир. Шундай экан, номзоднинг ўзи эмас, унинг имижи керак, деган тушунча пайдо бўлади. Шундай қилиб, имижмейкинг сиёсий PRнинг асосий қисмининг бир бўлагига айланди.

Имижмейкинг ўзи нима?

Ўз даврида Марк Твен ёзган эди: «ОАВ замонавий жамиятда катта кучдир. У ҳар қандай одамни яхши ва ёмонга айлантириши мумкин. Энг яхши фуқарони фирибгар деб айтиши ҳамда уни бутун умрга расвосини чиқариши мумкин». Имижмейкинг – инглизча сўз бўлиб, имиж - қиёфа, кўриниш, мейкинг – ясаш деганидир. Имиж бу инсоннинг, гуруҳнинг ташкилотнинг ёки партиянинг ўйлаб топилган қиёфасидир. Бу иш билан имижмейкерлар, яъни имиж ясовчилар, кўпол қилиб айтганда "башара ясовчилар" шуғулланишади. Имижмейкингни содда тилда қуйидагича изоҳлаш мумкин: агар номзодни сотилаётган "маҳсулот" деб олсак, имижмейкерлар ушбу маҳсулотни чиройли ялтироқ қоғозга ўраб, ленталар билан безаб, унга нисбатан қизиқиш ва талабни оширишга эришиш демакдир.

Имижнинг психологик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сайловолди кампаниясини ташкил этувчи мутахассислар аҳолига кучли психологик таъсир ўтказиш учун номзоднинг одамларга нима бермоқчилиги эмас, балки уни қай йўсинда етказмоқчилиги муҳим деб ҳисоблайдилар. Демак, омадга эришиш учун сиёсатчига сайловчилар томонидан берилган ишонч абадий эмас. Ушбу ишонч муддатини чўзиш ва янгилаш сиёсатчининг сайловчилар билан қай даражада ҳисоблашишига боғлиқ. Ясалаётган имиж ҳаққонийликдан узоқлашмаслиги лозим, чунки ўта идеал қиёфани халқ бегона деб билиши мумкин. Бунга америкалик мутахассислар ўтказган тадқиқот натижасини мисол қилишимиз мумкин. Мамлакат Сенатига номзод уч нафар сиёсатчи телевидениега интервью беришди. Уларнинг қиёфалари қуйидагича эди: биринчи номзод қиммат костюм-шим кийган ва ажойиб нутқли, ҳаракатлари ҳам идеал тарзда, яъни босиқ ҳолда кофе ичарди. Иккинчи сиёсатчи эса озгина оҳори тўкилган костюм-шим кийган, сўзлаши ҳам "қўполроқ" эди. Ва суҳбат давомида ичаётган кофесини ўзига тўкиб юборди. Учинчи сиёсатчи эса янги бўлмаган, аммо ажойиб тарзда дазмолланган костюм-шимда эди. Кофе ичиш пайтида эса ёқасига бир томчи кофе томди. У эса билинтирмасдан артишга ҳаракат қилди. Кўрсатувдан сўнг мутахассислар ушбу уч сиёсатчининг рейтингини аниқлашди. Унга кўра, биринчи ўринни охирги сиёсатчи эгаллади. Иккинчи ўринни биринчи сиёсатчи эгаллади. Учинчи ўринни эса ўз-ўзидан кофесини тўкиб юборган сиёсатчи эгаллади. Шундан келиб чиқадики, имижи ясалаётган сиёсатчи ўзида озгина инсонга хос бўлган камчиликларни ҳам сақлаб қолиши лозим.

> "Европалик жамиятшунослар жамоатчилик фикрини ўрганиш асносида қизиқ бир ҳолатни аниқлашди: сайловчи биринчи навбатда номзоднинг ташқи кўринишига, иккинчи ўринда ишини бажара олиш қобилиятига, учинчи ўринда эса сиёсий мавқеига эътибор қаратар экан."

Имижни шакллантиришда ташқи компонентлар (таркибий қисм, ташқи кўриниш)нинг ўрни жуда муҳим. Ташқи компонент деганда кўпинча замонавий сиёсатчининг юзи, соч турмаги, кийиниши, сўнгра эса мимикаси, қўл ҳаракатлари, гапириш услуби, товуш тембри, ажойиб ибораларни топиб гапириши ва ҳоказолар тушунилади.

Имижмейкинг психологияси асосини биринчи кўринишдаги таассурот ташкил этади. Имижмейкингни ўрганиш давомида шу нарса аниқланганки, сайловчи ўз номзодига биринчи беш секунд ичида баҳо беради. Шунинг учун мана шундай қисқа фурсат ичида сайловчининг муҳаббатига эришиш номзодга сайловлардаги муваффақиятни кафолатлаши мумкин. Агар номзод мана шу бошланғич бир неча лаҳзага эътибор бермаса, йиллар давомида ҳам халқнинг муҳаббатига ва ишончига эриша олмаслиги мумкин. Масалан, қиз бола бир кўришда севиб қолиши мумкин (яъни бир неча сонияларда). Аммо кейинчалик эрининг пиёниста, ношуд ва дангаса эканлигидан бошқаларга шикоят қилиши мумкин. Аммо бундан нима фойда. Сайловларда муваффақият учун курашаётган сиёсий номзодни ҳам пиёниста эрга қиёслашимиз мумкин. Агар у ҳам бир кўришда халқ "севги"сини қозона олса, ундан кейинги шикоятларга парво қилмаса ҳам бўлади (албатта, сайлаб чиқарувчи хусусий тадбиркор Тўхтаев билан суҳбатлашганимизда қуйидагиларни маълум қилди:

— "Kafolat" ош тузи давлат стандартлари асосида йодланган бўлиб, 12 ойгача истеъмол қилиш мумкин. Муддати ўтган маҳсулотларни қайтадан йодлаб харидорларга тарқатамиз...

Ош тузларининг белгиланган шароитда сақланиши борасидаги огоҳлантиришга эса "клиент"ларнинг кўплигию бу ҳақда қадоққа битиб қўйилганлигини айта олишди, холос.

Республика Эндокринология илмий-текшириш институти катта илмий ходими Раҳим Исмоиловнинг маълумот беришича, ош тузи таркибидаги калий йодат 12 ой, калий йодид эса 3 ой фойдали меъёрда бўлади. Бунинг учун қуруқ, салқин ва қоронғи жойларда камида 15 см баландликдаги махсус тагдонлар устида асралиш лозим. Акс ҳолда муддатидан анча олдин яроқсиз (сифатсиз) ҳолатга келиб қолади.

Биз битта кўчадаги 10 тагина дўконда истеъмол тузларининг сотилиши билан танишдик. Маҳсулотни харидорлар қўлига етиб бормасданоқ меъёрий сифатининг бузилиши истеъмолчи ҳақига хиёнат эмасми? Буни республика миқёсида ўрганадиган бўлсак, муаммонинг нақадар кўламли эканини англаш қийин иш эмас.

ниб бўлгандан сўнг).

Ташқи белгилар

Жағ-юз кўриниши. Арасту айтганидек, кимнинг ҳурпайган сочлари бўлса, у кўрқинчлидир. Қадимги Грециядаги физионом олим Зопир катта қулоқлар ажойиб ақлдан дарак беради, деб ҳисобларди. Тарихчи Ф. Галль бош суякни миянинг кийими деб атаган. Унинг фикрига кўра, дўнг пешоналар ақлли кишилар ҳисобланишган. Буларнинг ичида Арасту билдирган фикрлар тўғрироқ деб ҳисоблашади. Унинг физиономия тўғрисидаги фикрларига кўра, буқанинг бурнига ўхшаш бурунлилар ялқов бўлишади. Бурун тешиги чўчқаникига ўхшаганлар ахмоқ бўлишади. Итникига ўхшаган бурунлилар қизиққон бўлишади. Қарғаникига ўхшаган бурунлилар эҳтиётсиз бўлишади.

Кийимлар. "Темир хоним" Маргарет Тетчер ўз имижини оддий одамлардан узоқлашиб кетмаганлигини кўрсатиш учун тез-тез пляжларга ити билан сайрга чиқиб турган.

О.Бисмарк эса кийиниш ҳақида шундай ёзган: агарда полиция сенга яхши

Нигоҳ

Осиё кўчасида... байрам

Хитой ва Ҳиндистон ўзаро ихтилофларни бартараф этмаса, байрам кўпга бориши даргумон

Охирги йилларда Ҳиндистон ва Хитой давлатининг дунё геосиёсатидаги мавқе кескин ошди. Кўп асрлик давлатчилик анъанасига эга бўлган бу икки салтанат яқин тарихда ҳам бўлинган дунёни қайта тақсимлашга аҳд қилган мустамлакачи ҳукуматлар назарида бўлиб келган. Янги минг йилликда эса қадимий тамаддун соҳиблари бўлган икки давлат иқтисодий ва демографик салоҳияти билан ҳам дунёни забт этди.

Собиржон ЁҚУБОВ

Ҳиндистон бош вазири **Манмохан СИНГХ**

Хитой Халқ Республикаси раиси **Ху Цзинтао**

Бу ўринда "забт этди" ибораси ҳеч қандай муболағасиз қўлланилмоқда. Дунё аҳолисининг бешдан бири истиқомат қиладиган Хитой бугун ривожланган Ғарбдан тортиб қашшоқликдан боши чиқмаётган "учинчи дунё" давлатларига қадар — бутун сайёрани ўз маҳсулотлари билан эгаллади. Ҳатто Лотин Америкасининг Осиё учун бир пайтлар имкондан хорижда бўлган бозорига тинибтинчимас хитойликлар қадами етиб борди.

ҚОЛОҚ "эски дунё" ривожланган Европа бўлгунга қадар, яъни ақлини танигунга қадар "бойликлар мамлакати" дея орзуланган Ҳиндистон поёнига етган сўнгги юз йилликда яна қадимий цивилизациясини эсга олди. Энг қизиғи, қашшоқлик учига чиққан давлатда бир пайтнинг ўзида Ғарб мамлакатлари билан бемалол беллаша оладиган улкан иқтисодиёт вужудга келтирилди. Бу борада Ҳиндистон биргина компьютер ва ахборот технологиялари дастурлари бўйича дунёда биринчи ўринга чиққанини эслаш кифоя (Хозирда АҚШнинг ахборот технологиялари соҳасидаги кўзойнак таққан ақлли олимларига жон койитишга ҳожат ҳам қолмади. Ҳиндистон фақат ишқ-муҳаббат тўғрисидаги фильмлари билан эмас, ҳар бири мамлакатга улкан валюта заҳираси келтираётган ахборот-коммуникация соҳасидаги маҳсулотлари билан ҳам дунёни ҳайратга солмоқда).

Ҳиндистон ва Хитойнинг дунё сиёсатида тобора ошиб бораётган ўрни хусусида кўплаб далиллар келтириш мумкин. Икки мамлакат ҳам жаҳондаги энг кўп аҳоли, демакки, ишчи кучига эга, Бошқа жиҳатдан ҳар икки давлат дунё иқтисоди корчалонлари учун туганмас бозор, даромад манбаи ҳамдир.

Ҳалқаро сиёсатда тош босадиган омиллардан яна бири бу ҳар икки давлатнинг ядро қуролига эга эканлигидир. Ҳиндистон ҳам, Хитой ҳам оммавий қирғин қуроли соҳиби экани тўғрисидаги маълумот аллақачон махфийлик доирасидан чиқиб улгурган. "Совуқ уруш" даврида собиқ Иттифоқ ва АҚШнинг аёвсиз кураши паноҳида Ҳиндистон ва Хитой атом тадқиқотларини муваффақият билан якунлаб, "ядро клуби"га аъзолик чиптасини қўлга киритган эди. Шу боис дунёга ҳукмронлик даъвосидаги Оқ уй катталари ҳам, коммунистик ўтмиш вориси бўлган Кремль раҳнамолари ҳам бу икки мамлакат билан ҳисоблашишга мажбурлар.

ҲИНДИСТОН ва Хитойнинг ядро қуролига эга экани геосиёсатда амалий аҳамият касб этади. Дунё аҳли 1990-йилларга қадар икки қутбли муҳитда нафас олгани сир эмас. Ўтган асрнинг сўнгги йилларидан эса халқаро сиёсатда кўп қутбли дунё ҳақида гапирила бошланди. Икки қутбли дунёда кўп қутблар вужудга келишида эса айнан Ҳиндистон ва Хитой муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги пайтда дунё сиёсати саҳнасида қўйилаётган "пьеса"да бош ролни ижро этишга даъвогарлар олдингидай иккита эмас. "АҚШнинг 51-штати" деган киноямуз таърифлардан безор бўлган Европа мамлакатлари қатори Ҳиндистон ва Хитой ҳам "пьеса"нинг кульминацион нуқтасида иштирок этишга даъво қилмоқда.

Олимларнинг "Янги минг йиллик Осиё даври бўлади" деган тахминлари тасодифий эмас. Ғарбнинг етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесадиган сиёсатдонлари бундай қатъий ва кескин хулосага келиш учун ўз қарашларини неча-неча чиғириқлардан ўтказганлари аниқ. Бизнинг давримизда "йўлбарслар" дея номланувчи Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Гонконг каби давлатлардаги шиддатли иқтисодий ўсиш, Хитой ва Ҳиндистоннинг халқаро минбарларда тенглар ичра тенг тамойилда ўз қарашини эркин билдираётгани Осиё даври бошланган — кўп йиллардан бери жаҳон сиёсатида ўз сўзини йўқотган қитъа кўчаларида ҳам байрам бошланаётганидан далолат бераётгандай.

Охирги пайтларда АҚШ билан глобал курашда дастёрлар қидириб қолган Россия Хитой билан алоқаларини мустаҳкамлашга улгурди. Ҳарқалай, президент Владимир Путинга Пекиннинг Мао Цзедун замонларидан буён Кремль билан яқин бўлиб келгани қўл келди. Боз устига, Хитойнинг янги раиси Ху Цзинтао вазиятни яхши тушуниши, ўзининг ўтмишдошлари каби коммунистик мафкура қобиғида фикрламаслиги ҳам Москванинг Хитой каби иттифоқчи дўст орттиришида асқотди. Хитойнинг ким билан дўст бўлиши масаласи-ку, ҳал бўлди. Ўз сиёсатида миллатпарварлик билан Америкага қарши кайфиятни уйғунлаштирган Хитой раиси Ху Цзинтао олтин-кумушга кўмиб ташлашса ҳам, Россиядан воз кечмаслиги турган гап...

БИРОҚ бу ўринда Ҳиндистоннинг аниқ бир позицияни эгаллаши қийинроқ кечяпти. Айни пайтда Россия ҳам, АҚШ ҳам Ҳиндистон каби ишончли (бу сифат, албатта, нисбий маънога эга) ва, асосийси, қудратли ҳамкор давлатни қўлдан чиқармаслик учун курашяпти. АҚШ бу йўлда ҳаттоки Ҳиндистоннинг ядро қуролига эга эканини тан олди ва бунга ҳурмат билан муносабатда бўлишини ҳам эътироф этди. Россия Ҳиндистонни ҳаммаслак, ҳамматлаб давлатга айлаштириш учун қурол-аслаҳаларни имтиёзли нархларда сотишга ҳам тайёр. Бироқ ҳозирча Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингх қайси томонга кучоқ очишни аниқлолмай турибди. Вашингтон ва Москванинг Деҳли томон узатган қўллари эса ҳозирча ҳавода муаллақ қолмоқда...

Гап геосиёсатдаги ўзгаришлар хусусида кетар экан, шубҳасиз, икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида ҳам озроқ тўхталиб ўтиш зарур.

Ҳиндистон ва Хитой муносабатлари ҳозирга қадар расмий дипломатик даражада бўлиб келган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ-Совет Иттифоқи рақобати даврида Хитой ва Ҳиндистон алоқалари бироз юмшагандай бўлди. Бироқ икки ўртада азал-азалдан мавжуд бўлиб келган чегара можароси 1962 йили яна бўй кўрсатди. Шу тарика эндигина илиқлашаётган муносабатлар яна душманчилик кайфияти билан алмашди.

Ҳозирга қадар Хитойнинг Покистон билан яқин алоқалари расмий Деҳлида норозилик уйғотади. Ҳиндистон ҳукуматининг Хитойда таъқибга учраган Далай Лама ва унинг издошларига бошпана бермоқчи бўлгани эса коммунистик тузум вакилларининг жаҳлини чиқаради. Хуллас, икки ўртада ҳал қилиб олиш зарур бўлган масалалар етарли.

МУБАЛОҒАСИЗ, Ҳиндистон ва Хитой муносабатлари нафақат Осиё, бутун дунё сиёсатига бевосита таъсир кўрсатади. Дарвоқе, Осиё кўчаларида бошланган байрамнинг бардавомлиги ҳам кўп жиҳатдан Пекин ва Деҳли ўртасидаги зиддиятларнинг тез фурсатда бартараф этилишига боғлиқ.

Муносабат

Кўзимиз олдидаги хатар

Минтақадаги сув манбалари кимгадир тўй, кимгадир аза воситаси бўлиб қолмасин

Сардор ҲАСАНОВ

Минг йиллардан бери елкама-елка туриб, қариндошлик ришталари билан чамбарчас боғланиб кетган Марказий Осиёнинг биродар халқлари азалдан сувни оби ҳаёт деб эъзозлайди.

Сув ҳамда фақат бир ёқадан бош чиқариб ечиш мумкин бўлган унга боғлиқ муаммолар минтақа халқларини бежизга яқинлаштирмагандир? Балки шу боис ҳам Марказий Осиё халқларининг бошқаларникига ўхшамайдиган менталитети вужудга келгандир. Икки азим дарё — Амударё ва Сирдарё минтақа халқларини ўзаро яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи восита бўлиб хизмат қилган ва дарёлар сувидан минтақа халқлари баҳамжиҳат фойдаланиб келганлар.

Сувдан фойдаланувчиларнинг талабини қондириш мақсадида бу ерда кўплаб гидротехник иншоотлар ва тизимлар (сув омборлари, тўғонлар, сув тарқатгич, канал, насос станциялари ва б.) барпо этилган. Биринчи навбатда мазкур иншоот ва тизимлар қишлоқ хўжалиги эҳтиёжини қондиришга, асосан суғоришга мўлжалланган эди. Албатта, булар минтақанинг ўзига хос хусусиятлари – унумдор ерларнинг мавжудлиги, иссиқликнинг етарли таъминлангани ва, муҳими, заминдорликнинг узоқ йиллик тажрибаларини эътиборга олиб амалга оширилган.

Шу билан бирга мазкур иншоотларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларидан ҳам самарали фойдаланилган, бироқ гидротизимлар, биринчи галда суғориш ҳамда ерларни сув билан таъминлашга қаратилган. Ушбу мутаносиблик сақланган туфайли минтақани сув билан таъминлашга эришилди. Бугунга келиб 45 миллиондан ошиқроқ аҳоли истиқомат қилаётган қўриқ ерлар ўзлаштирилди. Уларнинг ҳаёт кечириши учун тўлиқ инфратузилма тизими яратилди.

Минтақа давлатларининг мустақилликка эришиши баробарида турли ҳудудларда қолиб кетган сув омборларидан фойдаланишдаги ҳал этилмаган муаммолар ва ўзаро келишмовчиликлар сабабли, наинки қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга, балки ичимлик суви таъминотига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Юзага келган вазиятни бироз юмшатиш мақсадида турли даражада давомли музокаралар олиб борилди, катта ташкилий ишлар амалга оширилди. Натижада бир битимга келиниб, 1992 йилнинг 18 февралида Алматида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон Республикалари ўртасида "Давлатлараро сув манбаларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва бошқариш, уларни асраш" бўйича келишув имзоланди. Давлатлараро сув манбаларидан ўзаро келишув асосида фойдаланишда ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси ташкил этилди. "Амударё" ҳамда "Сирдарё" сув ҳавзалари сув ажратиш ижроия идоралари тузилди.

Шу боис ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида минтақа давлатларидаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг бирбиридан фарқ қилишига қарамай, иқтисодиётнинг турли соҳаларини сув билан таъминлашда маълум барқарорликка эришилди.

Шунинг учун ҳам сувдан фойдаланиш режимининг зиғирдеккина ўзгартирилиши, шундоқ ҳам омонат барқарорликка путур етказиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатнинг оқибатлари оғир ва ҳатто ижтимоий беқарорликка ҳам олиб келиши ҳеч гап эмас.

Юқоридагиларга кўра кейинги пайтларда айрим оммавий ахборот воситаларида дарёлар ўзанига киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш қутилмаган оқибатларга сабаб бўлади.

Шу боис йирик корчалонлардан иборат гуруҳларнинг манфаатларини қўллаб-қувватловчи турли уюшмалар ташкил этиш орқали Норин ва Вахш дарёларида яна бир неча ГЭС қуриш ҳамда арзон электр қуввати ишлаб чиқариш эвазига катта фойда олиш ҳаракатларини тўхтатиш зарур. Бунинг оқибати аниқ: Норин, Роғун, Сангтўда ва Вахш дарёларида Қамбарота-1 ва Қамбарота-2 ГЭСларининг барпо этилиши минтақадаги, аввало, суғориладиган ерларнинг сув таъминотига катта зарар етказади. Қурилажак ГЭСларнинг электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати ўзгартирилмай қолинган тақдирда ҳам ёз ойларида электр қувватининг ҳаддан ошиб кетишига олиб келади. Бунинг устига суғориладиган ерларга сув етказиб бериш тизимига путур етади. Албатта, ГЭС қўшимча сув тақсимлагичларнинг барпо этилиши ёз мавсумида суғориш сувлари танқислигини келтириб чиқаради ва улкан ер майдонларида қурғоқчиликка сабаб бўлади.

Минтақа аҳолисининг 65 фоизи қишлоқларда истиқомат қилиши ва уларнинг ягона ҳаёт манбаи суғориладиган ерларда олиб борадиган қишлоқ хўжалиги эканини эътиборга оладиган бўлсак, сув танқислигининг келажакда нақадар бекарорликларга сабаб бўлишини башорат қилиш учун ўта билимдон таҳлилчи бўлиш шарт эмас.

Сунъий ҳосил қилинаётган қурғоқчилик оқибатлари минтақа чегараларидан ошиб кетишига шубҳа йўқ. Ишсиз ва ҳаёт кечириш учун иложсиз қолган кишилар оммавий равишда қўшни давлатлар ҳудудларига оқиб ўтиши мумкин.

Минтақадан ташқарига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий беқарорликнинг олдини олиш мақсадида давлатлараро оқиб ўтувчи дарёлар узра қурилажак ҳар қандай иншоот ёки мавжудларининг таъмирланиши сувдан фойдаланувчи давлатлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Мутахассислар давлатлараро умумий сув манбаларидан келишиб ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, уларнинг кўп йиллар давомида иқтисодиётнинг барча соҳаларига етишини исбот қилишган. Шу боис алоҳида корчалонларнинг манфаатлари учун сув манбаларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва бошқариш тизимини бузиш беқиёс хатардир.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS

INTERNATIONAL LIFE

ННТ

Уларга ҳавас қилса бўлади

Азим РЎЗИЕВ

Мана салкам йигирма йилдан буён республикамизда киноҳаваскорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекистон киноҳаваскорлар жамияти" фаолият олиб бормоқда. Бу ташкилотнинг олдига қўйган эзгу нияти сизу бизга ўхшаган ёш истеъдод соҳибларига яқиндан ёрдам бериш, ҳаётимиздаги фикрларни ҳақиқатга айлантиришга қаратилган десак муболаға қилмаган бўламиз. Аслида ушбу жамият 1989 йилда Тошкент шаҳрида ташкил топган бўлса-да, мустақиллик йилларида унинг қулочи янада кенгайди. Шунингдек, вилоят ва туман марказларида филиаллари ҳам вужудга келди. Айни дамларда уларда ҳам иш қизғин суратда кечмоқда.

"Ўзбекистон киноҳаваскорлар жамияти" таркибида "Сириус" клуби иш олиб боради. Унга пойтахтимизда яшаётган киноҳаваскорларнинг кўпчилиги аъзо. Улар ўзларининг бир вақтлар ижодий фантазия деб билган фильмларини амалда яратишмоқда. Клуб аъзолари кинони суратга олиш жараёнларни ипидан игнасигача ўрганишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Клубга аъзо бўлиш ёш танламайди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар қандай киши киноҳаваскорлар сафига қўшилиши мумкин.

"Сириус" киностудияси томонидан шу вақтгача бир нечта кинофильмлар яратилди. Фильм мавзулари турфа хил бўлиб, томошабинда катта қизиқиш уйғотади. Ишланаётган фильмларда миллий урф-одатлар ва қадриятлар руҳи яққол сезилиб туради.

Яқинда "Сириус" клубига раҳбарлик қилаётган Б. Лебедов бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар Бухорода бўлиб қайтишди. Б. Лебедов сафар таассуротлари ҳақида гапириб берди:

— Бухорода жайронлар ҳақида иккита фильмни суратга олдик. Биз учун у ерда кино ишлаш анча қийин ҳамда завқли бўлди. Чунки табиат қўйнида тасвирга тушириш вақтида кўп нарсаларни ўргандик. Айниқса, жайронлар билан "тил топишиш" қийин кечди. Уларни деярли кундуз куни далада учратмайсиз. Шу боис кечаси ишлашимизга тўғри келди. Фильмни суратга тушириш жараёни қанча оғир кечган бўлса, унинг сифати ва ҳаётийлиги шунча аниқ билинади деб ўйлайман.

"Ўзбекистон киноҳаваскорлар жамияти"нинг вилоятлардаги аъзоларининг эришаётган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳридаги "Ёшлик" болалар киностудиясини айтиб ўтиш мумкин. Республикамизда ҳар йили ўтказиладиган ўқувчи ёшлар ўртасида кино ва фотоҳаваскорлар фестиваль-танловларида қўлга киритаётган ютуқлари юқорида айтиб ўтилган киностудия аъзоларининг нималарга қодирлигини кўрсатмоқда. Биргина ёш киночилар томонидан тақдим этилган "Яшаш фалсафаси" фильмини олиб кўрайлик. Ковул ўсимлиги ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу ижод маҳсули фалсафий мулоҳазаларга бой. У ковулнинг ҳаётга чанқоқлиги, сабр-матонатини очиб бериш орқали томошабинлар кўнглидан жой олди. Фильмни яратишда Шаҳрисабз шаҳридаги мактаблар ўқувчилари иштирок этишган. "Ёшлик" киноҳаваскорлар студиясига маориф филойиси Ғайрат Пўлатов раҳбарлик қилади. Студия яратган асарлар республика ва хориж давлатлари ТВси орқали намойиш этилмоқда.

Шу ўринда яна бир жанубий воҳа киноҳаваскорларининг фаолияти ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб биламиз. Чори Тошмуҳаммедов бошчилик қилаётган шероботлик ёш кинематографлар томонидан ишланган "Тандир гўшти — лаззатли таом", "Менинг бобомни биласизми?" фильмларни кўпчилик кўрган бўлиши табиий. Бу ижодий гуруҳнинг киноасарларида "Қизил империя" вақтида деярли унутилаёзган ва истиқлол шарофати билан қайта тиклана бошлаган миллий ўйинлар, фолклор санъати асосий мавзу сифатида кўтарилган.

Сурхондарёлик киноҳаваскорлар нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро кинотанловларда ҳам яхши натижаларни қайд этишган. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган "Ҳаваскор кинематографлар" танловида ғолиб бўлди. "Чиллик", "Кўпкари", "Эшакминди", "Оқ теракми, кўк терак" ва бошқа бир қатор фильмлар жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган болалар ва танлов қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Бу ёш киноматографчиларимиз ҳақида билганларимизнинг бир қисми эди, холос.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди.

жанг ким яратади?

муносабатда бўлишини хоҳласанг, Петербург ва Парижда албатта қимматбаҳо кийим ва орден медалларда бўлишинг лозим". Замонавий сиёсатда кийим сизни обрўнгизни ҳал қилувчи асосий омиллардан биридир. Ахир бекорга айтишмаган, йигит кишини биринчи марта оёқ кийими ва соатига қараб баҳо беришади, деб.

Мимика ва пантомимика. Сиёсий имижмейкинг мутахассиси Ж.Сегела қўл ҳаракатлари номзод сиёсий имижининг муваффақиятли чиқишидаги асосий омиллардан бири эканлигини таъкидлайди. У жуда кўплаб сиёсий лидерларни ўрганиб чиққан. Франция президенти Жак Ширак ҳақида шундай ёзади: "У кўплаб митингларда икки қўлини икки ёнига ёйган ҳолда одамларга табассум қиларди. Мажлисларда эса икки қўлини тепага кўтарарди. Митинглардаги қўл ёйиши халққа нисбатан ўзига хос кўриниши бўлса, мажлислардаги қўл кўтариши қўл остидагиларга ўзига хос эътирозини билдиради".

Ҳозирги кунда қизиқ пантомима кўрсата оладиган президентлар қаторига В.Путин ва С.Берлусконини киритиш мумкин Масалан, С.Берлускони Евроиттифоқ саммитидан сўнг Евроиттифоқ президентларининг матбуот конференциясида Испания бош вазири гапираётган бир вақтда олдида турган нутқ дафтарини олди-да, стол четига қўнган пашшани уриб ўлдирди. Бундай "болаларча ҳаракат" ҳам баъзида сиёсатчининг имижини кўтаришга хизмат қилади.

Нутқ ва нотиқлик саънати. Диктор Ю.Левитаннинг овози улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг ва космосни эгалашдаги ҳаракатларда Собиқ иттифоқнинг имиж қуроли бўлиб хизмат қилди.

Имижмейкер – бу имиж ясовчи. Назарий жиҳатдан имижмейкер комил "қиёфа" моделини яратади. Амалиётда ушбу ўзи яратган назарияни сиёсатчи билан бирга қўллайди. Имижмейкернинг ҳаракатлари 15-20% дан 80% гача сайловчилар овозини олиб бериши мумкин. Одатда сиёсий номзод ўз кучига ишонмаганда ёки ўзини ёқимсиз кўринишли сиёсатчи деб ҳисоблаганда, имижмейкерлар хизматидан фойдаланилади. Тарихдан маълумки, сиёсий имижмейкерлар хусусий реклама мутахассисларидан келиб чиққан. Биринчи маротаба 1952 йили АҚШда Д.Эйзенхауэрнинг сайловолди компаниясида республикачилар партияси имижмейкерлар хизматидан фойдаланишди. Хусусий реклама мутахассиси Т. Ривз 49 та (ўша пайтда штатлар сони 49 та эди) ролик тайёрлади. Т.Ривз Эйзенхауэр нутқини шпаргалкалардан ўқимасликка, ўз ёши ҳақида иложи бўлса гапирмасликка кўндирди. Сайловлардаги муваффақиятларидан сўнг, у партиянинг бюджетидан имижмейкерлар учун пул ажратиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Аммо имижмейкерлар ҳаракати ҳар доимо ҳам самарали чиқмайди. Р.Рейген ҳамда Катта Бушнинг сайловолди имижи муваффақиятсизликка учраган.

Имиж технологиялари

Имижмейкинг — бу жамоавий меҳнат. Имиж ясаш жараёнига сиёсатчининг ўзи ҳам қўшилиши лозим. Бўлмаса имиж ниқобга, сиёсатчи эса қўғирчоққа айланиб қолади.

М.Кошелюкнинг фикрича, "Сайловчиларнинг менталитети қанчалик чуқур ўрганилса, сайловолди компаниясининг стратегияси шунчалик аниқ ва равшан бўлади". Бу жараён ўз ичига маданий, ижтимоий, анъанавий, психологик тадқиқот қилишни олади, яъни бунда афсоналар, эртаклар, асотирлар таҳлил қилинади. Ва сайловолди жараёнида худди шу нарсалардан фойдаланилади. Аммо сайловчиларнинг ҳақиқий менталитети сайловларда аниқ кўринади.

Перфоманс. Перфоманс (оммага ўзини намойиш қилиш) имижни шакллантириш тўғрисида қанчалик кўп гапирмайлик, сиёсатчи ўзини перфоманс қилмаса, унинг имижи ҳеч қачон муваффақиятли бўлмайди. Лекин бунинг ҳам чегараси бўлиши керак.

Перфоманснинг истисно жойи шундаки, бу ишни амалга ошириш сиёсатчиларнинг шахсий характерига боғлиқ. Тарихдаги энг зўр перфоманс воқеа сифатида Москвадаги қизил майдонда II-жаҳон урушида Гитлер Германияси устидан қозонилган ғалаба муносабати билан ўтказилган ҳарбий парадни олишимиз мумкин. Бу ўша даврдаги ғолиб-мамлакат олий бош қўмондони И.Сталиннинг имижини шакллантиришдаги ўзига хос "шедевр" перфоманс эди. Яна бир мисол, АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг қасамёди пайтида олдинги ўриндиққа Голливуд юлдузи киноактриса Барбара Стрейзанд ўтирарди. Ўз-ўзидан тушунарли, Вашингтон Голливудга муҳтож. Чунки қора костюм кийган сиёсатчига безак бериш учун Голливуднинг фойдаси тегиши аниқ. Имижни ишлаб чиқиш бу фақат қўғирчоқлар билан ишлаш дегани эмас. Ҳаётий сиёсатчи ҳаракатни ўзи амалга ошириши керак. Лекин перфоманс бу имижни тўлдирувчи бир қисм холос. Уни имижнинг бошқа соҳалари билан ишлатганда муваффақиятли амалга ошади.

Афсонали имиж. Агар сиёсатчи айни дамда ҳаётий бирор бир ишни амалга оширишга қодир бўлмаса, ўтмишдан фойдаланиши мумкин. Буни афсонали имиж деб аташади. Кўпинча сиёсатчилар ёшлигидан бой оилада ўсган бўлишларига қарамасдан ўзларини эзилган мазлум халқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шундай сиёсатчилардан бири сифатида АҚШ президенти Жимми Картер биографиясини олиш мумкин. У ўзининг сайловолди кампаниясидаги чиқишларида тез-тез такрорларди: "Мен фермерман... Менда ҳеч қандай катта пуллар йўқ... Менинг шундай бўлишимга халқим сабабчи... Мен халқимдан қарздорман". Ваҳоланки, ўша даврда унинг йиллик даромади 2,5 млн долларни ташкил қиларди.

Типажлар. Типаж (бирор образ яратиш учун андоза ёки намуна бўлиб хизмат қиладиган киши) ҳар қандай номзоднинг имижини қайсидир машҳур сиёсатчининг имижига тақлид қилиб ясалади ва шакллантирилади. 90-йилларда Россия жамиятшунослари томонидан ўтказилган "ўта идеал эркак" мавзусидаги ижтимоий сўров натижаларини эслайлик. Ушбу сўровда қатнашганларнинг 30% Штирлиц, 10% Маршал Жуков, 5% артист Батамов, яна 5% артист Мироновни танлашган. Демак, Россия халқи Путинни танлаганига ажабланмаса ҳам бўлади. "Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси" фильмидаги Штирлицнинг махфий хизматда бўлганлигини ҳисобга олсак, В.Путиннинг собиқ давлат хавфсизлик идорасида ишлагани қўл келганини кўришимиз мумкин. Демак, типажнинг ҳам имижни шакллантиришда ўзига хос ўрни мавжуд.

Ишонарли имиж. Юқорида келтириб ўтилган фикрга кўра, имижнинг ишонарли бўлиши сиёсатчининг ўзини оддий халққа яқин тутишга боғлиқ. Сиёсий номзоднинг машҳур университетларда таълим олгани "ажойиб маълумот" эгаси эканлиги, умуман олганда таълим даражасининг юқорилиги оддий халқнинг ғашини келтириши мумкин. Масалан, фашистлар Германияси лидерларининг ҳаммаси ўрта маълумотли кишилар бўлган. Америкалик сайловчилар фақатгина Ж.Кеннедини "кечиришди". Сабаби оддий, Кеннеди ёш, ҳаракатчан ҳамда камдан кам учрайдиган шахсий чиройга эга. Демак, имижнинг ишонарли бўлиши номзоднинг қай даражада "халқ фарзанди" эканлигини кўрсатишга боғлиқ.

Имижни ясаш ва шакллантириш давомида биринчи навбатда унга рақиблар томонидан уюштирилиши мумкин бўлган ҳужумлардан ҳимояланишни ҳисобга олиш лозим. Замонавий сиёсий жанг – бу имижлар жангидир. Чунки, рақиблар нафақат, ўз имижларини шакллантиради, балки бир-бирларининг имижига мағзава ағдаришга ҳаракат қилишади. Шунинг учун сайлов компаниясига тайёргарлик кўришда рақибларнинг бўлажак ҳужумидан ҳимоя тактикасини ҳам ишлаб чиқиш лозим.

Сиёсатчи ўз-ўзига имижмейкер бўлиши даркор. Ҳар бир сиёсатчи биринчи навбатда имижини ўзи яратади. Чунки инсон характерини тўлалигича ўзгартириш мумкин эмас. АҚШ президентларидан Ж.Кеннединг телевизион дастурларда иштирок этиши уни "шоу" одамига ва халқнинг ёқимтойига айлантирди. Унгача ҳеч қайси сиёсатчи тўғридан тўғри эфирларда қатнашмаган эди. Ҳозирги кунда имиж кўпроқ телевизион кўриниш орқали ясалади. Шунинг учун сиёсатчига қўйиладаган талаблардан бири унинг журналистлар билан қай даражада муомала ўрната олишидир. Чунки айнан журналистлар сизни аудиторияга ҳам яхши, ҳам ёмон қилиб кўрсатиши мумкин.

ХХ аср бошигача бундай соҳа унча ҳам ривожланмаган бўлса-да, аммо бугунги кунга келиб айрим сиёсатчилар имижмейкерларсиз бир қадам ҳам юра олмайдилар. Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, сиёсатчи фақат имижмейкерлар билан ҳамкорлик қилиши, бу ишга боши билан шўнғиб кетиши яхши оқибатга олиб келмайди.

Баҳс

«Адабиётни яхлитликда тасаввур қиламан»

Адабиёт ҳамиша янгиланиб, шаклланиб боргани каби анъанавий жиҳатларини ҳам сақлаб қолмоғи шарт. Ана шу постулатага муносабат маъносида, яъни кечаги ва бугунги кун адабиётининг қиёфаси ва ўзаро таъсири тўғрисида адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ билан суҳбатда бўлдик.

Суҳбатдош: **Шоира ДОНИЁРОВА,** филология фанлари номзоди

— Сиз икки давр адабиётини кузатган мутахассиссиз. Шу боис суҳбатимизни кечаги, бугунги ҳамда эртанги адабиёт ҳақида, уларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари юзасидан бошласак.

— Мустақиллик даври адабиётини олдинги даврга солиштирадиган бўлсак, унинг мафкурадан четда эканлигини эътироф этиш зарур. Мен шўро даври адабиётини эса офтобга қараб қийшайиб ўсган дарахтга ўхшатаман. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўша давр ижодкорларининг асарлари коммунистик мафкурага хизмат қилган, бироқ бунга бир ёқлама қарамаслигимиз керак. Менинг авлодим олдида турган вазифа XX аср адабиётида қанақа янгиланишлар бўлгани, ўзбек адабиёти тарихида қандай ўзгаришлар рўй бергани, бадиий маҳорат ва жанрлар масаласи, шу билан бирга янги натижалар ва йўқотишлар нимадан иборат эканлигини маълум даражада хулосалаб бериш керак.

30-йиллардан кейин адабиёт майдонида ялт этиб кўринган авлод, биламизки, қисман жадидларнинг таъсирида шаклланди. Хусусан, Ойбек Шайхонтоҳурда туғилган, Абдурашид Мунаввархонинг «Намуна» мактабида таҳсил олган. У «Улуғ йўл» романида Мунаввархори ҳақида ёзишни истаган эди, аммо баъзи сабабларга кўра Мунаввархори образини Анвар қори деб олиб киради. Ойбек ижодида бу типдаги образларнинг инсон сифатида жонлантирилишида жадид адабиётининг таъсири жуда катта. Бундан ташқари, адабиётнинг шундай нуқталари бўладики, буни мен кичкина заррада кўраман. Битта вергул, битта кичик лирик кечинма орқали, битта кичик нуқтани ёритиш орқали адабиётимизнинг тарихига ва ижодкорнинг тақдирига кириб бориш мумкин.

XX аср адабиётини яна сочиб юборилган олтинларга ўхшатиш мумкин. Уларнинг ҳар бир донасини битталаб йиғилса, бугунги кун адабиётининг улкан хазинаси тикланади.

Энди адабиётда шўролар даврида йўл қўйилган камчиликларга назар ташлаш, ўз хатоларимизни яна бир тафтишдан ўтказиш имкони вужудга келди. Бизга маълумки, адабиёт шеъриятдан бошланади. Мустақиллик даври шеърияти ҳам бошқа жанрларга қараганда анча бўш шеърларни юзага келтирди. Ўзбекистон ҳақида, Ватан ҳақида Эркин Воҳидовнинг ғазали, Абдулла Ориповнинг достони даражасида, гарчи бугунги кунда имкониятлар кенг бўлса-да, шеър яратилмаяпти. Ваҳоланки, бу давр мустақиллик ва эркинликдан илҳомланиш натижасида биз кутган шеърият ўрнига эгизак, бирбирини такрорлайдиган шеърлар дунёга келяпти.

Бугунги кун насри ҳақида гапирадиган бўлсам, насрда ҳам тарихий шахслар, миллий туйғулар ҳақида асар битиш имконияти катта. Бироқ тарихий асарлар ҳам анъанавий шаклланган мактаб услубида яратилиш ўрнига ноанъанавий, модернистик услубда яратилмоқда. Бундай асарларнинг умри узун бўлмайди. Бу асар Қодирий, Ойбек романларидек адабиётда қоладими, йўқми, ҳали буни вақт кўрсатади. Шукур Холмирзаев ўзининг асарларини жуда севарди, шу сабаб уларни танқидий фикрлардан ҳам ҳимоя қиларди. Эълон қилишга эса шошилмасди. У ўзининг «Динозавр» асарини қайта-қайта ишлаб, тугатолмади. Чунки бунга, аввало, ўзининг кўнгли тўлмаётгани сабаб бўлганди. Илгари Шукур "Пайғамбар ороли" деган роман ёзмоқчи эди. Мен шу роман унинг энг зўр асари бўлади, деб ўйлар эдим. Бугунги хулосамга кўра, унинг энг зўр асари — "Динозавр". Нима бўлганда ҳам, бугунги давр адабиётида бугунги кун кишисининг дунёси, бугунги кун қаҳрамонининг ҳаёти яратилиши лозим.

— Бугунги кунда одат тусига кириб бораётган Ғарб адабиёти таъсирида ижод қилиш анъанаси ҳақида баҳс-мунозаралар бўлмоқда. Шу Шарқу Ғарб адабиётига ҳам бир тўхталсангиз.

— Менимча, ёш авлод совет даври адабиётини рад этиш мақсадида янги бир ижодий изланишлар устида. Бу — яхши. Лекин узоқ вақт синалган ижодий тажрибалардан ҳам воз кечмаслик керак. Ўзбек адабиёти улкан Шарқ адабиётининг бир қисми. Бир вақтлар Гёте, Толстой сингари даҳолар Шарқ адабиётига мурожаат этишган. Шарқ адабиётини ўрганиб Гёте "Шарқу Ғарб девони"ни яратган. Толстой эса ислом динига ихлос қилиб, "Шарқ адабиётидан баҳраманд бўлиб, Европа адабиётини кўтарса, яхши самара беради", деган хулосага келган.

Шу кунларда дунёнинг сиёсий-жўғрофий харитасига назар ташлайдиган бўлсак, масалан, Испания, Лотин Америкаси каби бир қанча мамлакатлар ҳам араб цивилизацияси таъсирида ўзларининг миллий адабиётини барпо этишган. Маълум даражада ҳозир ҳам уларда Шарқ адабиётининг таъсири бор. Масалан, Португалия адабиётида Шарқ фалсафаси ҳикматлари таъсири сезилиб туради. Европа адабиёти маълум даражада боши берк кўчага бориб қолди, таназзулни бошидан кечиряпти. Ана шу таназзулдан чиқиш учун нималар қилмаяпти?!

Агар биз бир вақтлар дунё адабиётидан, Европа адабиётидан бадиий-услубий шаклларни олган бўлсак, ҳозир улар яна Шарққа қайтяпти. Ўйлайманки, ўзбек адабиёти ҳам ўзининг азалий манбаларига, бой классикасига, мумтоз адабиётига қайтади.

— Адабиётшунос кўпинча ёзувчи яратган асарнинг бадиийлигига кўпроқ тўхталади. Адашмасам, сизнинг адабиётга бўлган муносабатингиз бошқачароқ. Чунки сиз мақолаларингизда бадиий асарнинг яратилиш тарихи ва унинг муаллифи тўғрисида кенгроқ тўхталасиз.

— Модомики, гап адабий асар таҳлили ҳақида борар экан, адабиётдан ташқари ўша адабиётни яратган ёзувчи шахсини ҳам эътибордан соқит қилмаслик керак. Фитрат, Қодирий, Чўлпон деганда туйғуларимиз жунбушга келиб кетади. Чунки улар асарлари билангина эмас, шахс ва чин инсон сифатида ҳам ўрнак бўлишга арзийди. Масалан, мен Ойбек, Миртемир, Шайхзодани яхши биламан. Улар ёзувчи сифатида буюк одамлар бўлишган. Энди уларга тенг келадиган одамни яқин ўртада дунёга келади ёки биз билан замондош бўлиб яшаяпти, деб ҳеч ким айтолмайди.

Ойбек Москвага борганида, Одил Раҳимий деган жуда кўп романларни таржима қилган киши: «Ойбек ака, келганимга уч-тўрт кун бўлди, пулим тугаб қолган эди», дебди. Шунда Ойбек ака "Менда пул йўқ эди, Зарифадан сўраб кўрайлик", дебди. Зарифа опа "Қайтиб берсангиз, бериб тураман", деб бир оз пул берибди. У кетгандан сўнг эса Ойбек хохолаб кулибди. "Нега куласиз?" деса, "У қайтиб бермайди" дебди. "Қайтиб бермаса, ўзимиз қийналамиз. Нега буни аввалроқ айтмадингиз?" деса, Ойбек кулиб: "У мени кўп алдаган эди, сени алдаганини ҳам бир кўрай дедим", дебди. Булар мана шунақа беғубор одамлар бўлишган. Бағрикенглик уларнинг фарзандларига ҳам кўчганлигига гувоҳман. Ойбекнинг Омон деган, Бек деган ўғилларини биламан. Улар ҳам самимий, покиза инсонлар, бу дунёда одам одамни алдаб кетади деб тасаввур қилолмайди. Мунофиқлик ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Ўша авлод вакиллари – Ойбек, Миртемир, Шайхзода мана шунақа одамлар бўлишган.

Бугунги ижодкорлар бироз ўзига бино қўйган, ички "мен"и ўта юқори, улар даврасида ўтирсанг, ўзининг тенгдоши, замондоши ҳақидаги фикрлари одамнинг дилига оғир ботади. Ёзувчи кристалл одам бўлиши керак. Бошқаларга у ёзувчи сифатидагина эмас, балки шахс сифатида ҳам ўрнак бўлиши лозим. Биз кўп ҳолларда ёзувчининг ижодини шахсидан айро ҳолда кўрамиз. Ўйлаб кўринг, ижодкор кўнглида, тасаввурида кечганини ёзади. Ёмон одам қандай қилиб яхши асар яратиши мумкин? Бу ҳолга баъзан "бозор иқтисодиёти" деймиз. Ўзбек халқи ўтмишини унутамиз. Уруш йиллари, урушдан кейинги тикланиш, қурғоқчилик, зилзила йилларини унутамиз. Бугун биз халқнинг қонидаги ўша тоза туйғуларни тиклашимиз керак. Шу маънода асар қаҳрамонларининг қиёфасини таҳлил қилиш билан бирга ёзувчиларнинг маънавий қиёфасини ҳам ўрганишимиз лозимдир. Чунки маънавий пок инсон асарида ўз дунёсини акс эттиради.

— Домла, биламан, ўзингиз ҳақингизда гапиришни хуш кўрмайсиз. Бироқ бугун ёшлик йилларингизни бир эслаб, ҳаёт йўлингиздаги биз шогирдларга намуна бўладиган ҳодисалар ҳақида ҳам суҳбатлашсак.

— Ёшлигимда мен шеърлар ёзганман. Ҳатто қўлёзмаларимни китобчалар шаклига солиб расмлар чизиб безаб юрардим. Ҳозир ҳам анча дафтарларим бор, уларда шеърлар, ҳазил сўзлар, хотиралар, ўзим чизган расмлар бор. Шунданми, шоир бўлсам керак деб ўйлардим. Амакиваччам Маҳмудали Юнусовникига илмий раҳбари Абдураҳмон Саъдий, Солиҳ Қосимов, Ҳамидулла Убайдуллаев тез-тез йиғилишиб, бир-бирларининг мақолаларини таҳлил қилишарди. Қизғин баҳс-мунозоралар бўларди, мана шу баҳсларни кўриб, кузатиб, адабиётшуносликка қизиқиш пайдо бўлди.

Шуни айтишим керакки, мен адабиётни санъатдан ажратиб, алоҳида тасаввур қилолмайман. Адабиёт санъат бўлганлиги сабабли ҳам санъатнинг барча турларига қизиқаман. Кичик пайтимда пионерлар саройидаги мусиқа тўгарагига ҳам қатнашардим. Унда ҳозирда машҳур бастакор Сайфи Жалилов ҳам бор эди. Кейинчалик хор тўгарагига ҳам қатнашганман. Ўша вақтлар Янги йил байрами карнаваллар, маскарадлар билан ўтар эди. Дадам ҳам Маориф вазирлигида ишлагани учун театрга тез-тез билет беришар эди. Шунинг таъсиридами, яқин ўртоғим Баҳодир Йўлдошев режиссёрлик қилган кўп пьесаларни таржима қилиб берганман. Кино олишда режиссёрлар билан биргаликда қатор асарлар устида ишлаганман. Ҳозиргача бир қанча шоирларнинг шеърларига мусиқа ёзганман. Шу сабаб бир вақтда мусиқа, киносценарий, театр, рассомлик ва адабиётшунослик билан шуғулланиб, шеърлар (ўзим учун) ёзиб тураман. Адабиётни санъатнинг мана шу турлари билан биргаликда, яхлитликда тасаввур қиламан.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур суҳбат ҳаракатдан тўхтаб, адабиёт ғаладонидан жой олган мавзу юзасидан эмас, балки бугунги жонли жараён ҳақида бўлгани билан эътиборли. Шу туфайли у сизни бефарқ қолдирмайди ва муносабатингизни билдирасиз деб ўйлаймиз.

Назм

Кўргим келди ёнимда сизни...

Абдураҳмон ЖЎРА

Секин-секин ёришади тонг,
Чор-атрофга сездирмайгина.
Шивирлашар чол билан кампир
Бир-биридан қилгандек гина.

Юлдузларни яширганча тун,
Либосини ечар эгнидан.
Қуёш ҳам бир энтикиб олар,
Атиргулнинг ширин ҳидидан.

Қайлардадир ҳуради итлар,
Қайлардандир қичқирар хўроз.
Кўк сездирмай сув сепиб чиқар,
Шабнам инса бир сесканар ёз.

Термулишиб тонгнинг ҳуснига,
Қўшиғини бошлар булбуллар,
Атиргулнинг қизарганидан
Қиқирлашиб кулар ғунчалар.

Нафас олиб тонг ҳавосидан,
Кўргим келди ёнимда сизни.
Гашт оламан тонг сабосидан,
Жозибали, маъюс ва сирли.

***

Сўрамасдан кетдингми мендан,
Арзитмайин хайрлашишга.
Сенсизликка кўникай қандай,
Ютаман дер кўримсиз гўша.

Қайғу, алам, қувонч ўткинчи,
Бефойдадир бари, биламан.
Дилим эзар ички бир туйғу
Уни енголмасам нетаман.

Қайлардадир иложсиз қайғу
Одамларни толиқтирар ғам.
Қай гўшани ютгандир офат,
Уруш дилга солади алам.

Булар бари ўйлатар гоҳи
Тинчлик дея ёзаман шеърлар.
Бағрим эзар оналар оҳи
Ҳалок бўлар чинакам эрлар.

Ҳаммасига етарли ташвиш,
Ҳаммамизни тўйдирар замин.
Бирлашсайди жами инсонлар
Сезар эди қувончнинг таъмин.

Ғамни енгиб, ҳақни ёд этиб,
Яшашимнинг сабаби шундан.
Ҳаққимиз бор бахтли яшашга
Ҳис қилганча дунёнинг қамин.

Бандасида бир камчилик бор,
Кечирмоқнинг савоби шундан.
Қара, қандай чиройли баҳор,
Биргалашиб завқ туйсак гулдан.

Кетганингга ишонмай, эшик
Тиқ этса ҳам йўлга қарайман.
Осмонларни тўлдириб учган
Турналардан сени сўрайман.

Чорлаганим тўғри тушунгин,
Имкон бордир ҳар дам кетишга.
Бир ўзимнинг кучим етмади
Юрагимни ишонтиришга.

Ботирга тасалли

Дейдиларки, бари Аллоҳдан,
Тикан кирмас беамр ҳатто.
Бироқ ўзни асраш ҳам фарздир,
Асранганни асрагай Худо.

Бу ҳаётда ғолиблик орзу,
Мағлубият ўлимга тенгдир.
Жангга кирсанг ҳақиқат учун,
Енгилишга ўзингни кўндир.

Ҳаққоний бўл, мардона иш тут,
Ерга тегсин гоҳида елканг.
Катта жангда енгишдан аввал,
Мағлуб бўлиш санъатин ўрган.

Ютиб чиқсанг рақибинг суя,
Қўзғатмагин қасос ўтини.
Унутмаки катта жасорат,
Кўтармоқлик шуҳрат тотини.

Ноҳақ жабр ёмондан ёмон,
Беҳудага олмагин қасос.
Енга олгин келганда қаҳринг,
Жазо топгин мусулмонга хос.

Оғриқни сев, тишинг мустаҳкам
Ғолибликка бардошинг асос.
Енгилмайди, қочади кўрқоқ,
Мағлублик ҳам ботирларга хос.

***

Муслиммисан, муҳожирми, надурсан,
Кимдурмисан, фариштами ё ҳаммол?
Тонг чоғида ой нурига эшилган
Азонларга юзингни бир чайиб ол.

Шоирмисан, шоирами ё деҳқон,
Покиза дил покчисидир бу ҳилол.
Имоммисан, малакмисан, ё султон,
Азонларга сўзингни бир чайиб ол.

Ойналарга тутаверма чеҳрангни,
Муродмисан, заволмисан ё малол?
Ҳосил кўтар нима бўлса экканинг.
Азонларга кўзингни бир чайиб ол.

Ёғду келар тонг чоғида ойлардан,
Магар ёдинг унутмагай бир савол.
Умид бўлса жаннат деган жойлардан,
Азон айтмай, ўзингни бир чайиб ол.

Нур тўкилур қуёш деган жойлардан,
Уйғонмасдан рўзингни бир чайиб ол.
Покиза тан туфроқ деган жойлардан,
Тонг нурига дилингни бир чайиб ол.



Бахромжон КАЛОНОВ чизган

Диққат, танлов!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Менинг Конституциям» танловини эълон қилади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж);**
- **энг яхши интервью;**
- **энг яхши фоторепортаж.**

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий Қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепотажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституциям» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов анъанавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари келгуси йил Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 20 ноябрга қадар қуйидаги манзил бўйича жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 1441615
www.mmf.uz, *e-mail:* **mmf@uzpak.uz**

Азиз газетхонлар!
«Чағониён»

ГАЗЕТАСИГА 2007 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Обуна барча почта бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" бўлинмаларида

Бизнинг "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг 2007 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 484 Ташкилотлар учун —485

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, "Hurriyat" газетаси, "Ўзбекистон матбуоти" журнали жамоалари уюшма аъзоси Бахтиёр Ҳасановга волидаи мукаррамаси **Мухтабархон ҲАСАНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Жиззах вилояти ҳокимиятининг матбуот маркази, Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмасининг вилоят бўлими, "Қалам" клуби ижодий жамоалари "Жиззах ҳақиқати" газетасининг собиқ бўлим мударриси, айни пайтгача Самарқанд вилояти Ургут туманининг ҳокими вазифасида фаолият кўрсатган **Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор этади.

Жиззах вилояти ҳокимлигининг матбуот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими, "Қалам" клуби ижодий жамоалари "Жиззах вилояти босмахонаси" очиқ акциядорлик жамияти кадрлар бўлимининг бошлиғи Раҳима Худоёрова, Пахтакор тумани "Пахтакор ҳаёти" газетасининг бош муҳаррири Холбўта Худоёровга ўғли **Аъзамжон**нинг бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'ZINGNI ANGLAI

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г - 1355 Т: 2059 2 3 4 5